Keywords: *Muhammad Yakubbek, Kokand Khanate, Djety-shahr, Bukhara Emirate, sources, history, analysis, conclusion.*

Н. Насириллаева

Абдулла Носировнинг “Манбалар қомуси” – ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасини ўрганишда муҳим манба

Шарқ кутубхоналари дунёга нафақат ўзининг бой илмий ва маданий мероси билан, балким уларни сақлаш, илмий ва библиографик асарлар тузиш анъаналари билан ҳам машҳур. Ушбу кутубхоналарда тузилган каталоглар китобларни тартибга солиш воситаси бўлибгина қолмай, ўз даври ёзма манбаларини тизимлаштириш ва қўлёзма манбалардан фойдаланишни қулайлаштиришнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилган.

Маълумки, каталог – муайян муассаса кутубхонаси фондларида мавжуд асарлар рўйхати бўлиб, у манбалар ҳақида бирламчи маълумотларни тақдим этади ва тадқиқотчиларга зарур манбани танлашда ёрдам беради [24: 105]. Мусулмон мамлакатларида ўрта асрларда каталоглар одатда *феҳрист* деб юритилиб, улар ўзида сарой кутубхоналарида мавжуд асарлар, вақф қилинган китоблар учун тузилган рўйхатларни қамраб олган. Бундай феҳристлар қачонлардир мавжуд бўлган ва ҳозирги кунда йўқолган кутубхоналар ҳақида тасаввурга эга бўлишимизга ёрдам беради. Мисол учун, Абу Али ибн Сино (980–1037) Сомонийлар ҳукмдори амир Нуҳ ибн Мансурни (976–997) даволаганлиги учун унинг Бухородаги кутубхонасидан фойдаланганлиги кўплаб манбаларда келтирилади [6: 48]. Гарчи мазкур кутубхона бугунги кунгача сақланиб қолмаган бўлса-да, Ибн Синонинг ўз таржимаи ҳолида айтилишича, у ушбу кутубхонадаги феҳрист (асарлар рўйхати) билан танишиб чиққан.

Шарқ кутубхоналари тарихи ва уларнинг илмий аҳамияти бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган [2; 5; 9]. Биз ушбу мақолада Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар феҳристларини шакллантириш ва манбаларни тизимлаштириш жараёнига улкан ҳисса қўшган Абдулла Носиров (1889–1987) томонидан тузилган “Манбалар қомуси” мажмуасини таҳлил қиламиз.

Зеро, кутубхоналардаги қўлёзма ва китобларнинг сақланиши, уларнинг илмий муомалага киритилиши ҳамда тадқиқотчиларга тақдим этилиши кўп жиҳатдан феҳрист ва библиографик кўрсаткичлар орқали амалга оширилган. Абдулла Носиров тузган “Манбалар қомуси” ана шу жараённинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у фақат оддий феҳрист эмас, балки қўлёзма ва босма манбаларни мавзулар, шахслар ва атамалар кесимида тизимлаштирган кенг қамровли библиографик мажмуа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мақолада Марказий Осиёда модерн даврида яратилган шарқ қўлёзмалари феҳристлари тарихига қисқача тўхталиб, Абдулла Носировнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (ЎзР ФА ШИ) фондида сақланаётган дафтарлар коллекцияси мисолида мазкур манбалар мажмуасининг илмий аҳамиятига эътибор қаратамиз.

Аввало, таъкидлаш жоизки, ўлкамиз Россия мустамлакасига айланмасдан бурун, Ўзбекистон ҳудудида кутубхоначилик анъаналари кенг ривожланган бўлиб, улар, асосан, амир, хон ва юқори мансабдор шахслар ҳамда мадрасалар қошида ташкил этилган. Ушбу кутубхоналарда қўлёзма ва чоп этилган асарларнинг сақланиши, уларни тизимлаштириш ва каталоглаштириш ишлари олиб борилган. Хусусан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон IIга (1847–1910; ҳукмронлик йиллари 1864–1910) тегишли кутубхона учун махсус каталог тузилган бўлиб, унда фонддаги қўлёзма ва чоп этилган асарлар тизимли равишда қайд этилган. Мазкур каталог 917 жилд туркий, форсий ва араб тилларида ёзилган асарлар тавсифини ўз ичига олади [26: 178; 22].

Шахсий кутубхоналарга эса, XX асрнинг бошларида фаолият олиб борган давлат арбоби, Бухоронинг олий қозиси ва олим Муҳаммад Шариф Садри Зиё (1865–1932) кутубхонаси мисол бўла олади. Садри Зиё ўз маблағига бой кутубхона тузиб, унда 800 дан ортиқ қўлёзма китоб сақланган [4[1]]. Унинг кутубхонасида 278 жилд араб ёзувидаги қўлёзмалар ҳақида муҳим библиографик ва кодикологик маълумотларни берувчи феҳрист мавжуд. Унда ҳар бир қўлёзма асарнинг номи, муаллифи, унинг хусусиятлари, китобнинг

[1] Мазкур монографияда Садри Зиё кутубхонасида мавжуд бўлган 282 жилдда сақланган, 855 та асардан иборат барча китоблари номма-ном саналиб, уларнинг муҳимларига қисқа тавсифлар берилган.

қўлга киритилиши тарихи ва имкон даражасида қўлёзманинг котиби ҳақида тавсиф берилган[1].

Ўзбекистоннинг йирик библиографларидан ҳисобланган Э.А. Ахунджановнинг ёзишича, “ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами”нинг илк тузувчиси, машҳур шарқшунос А.А. Семёнов (1873–1958) Шарифжон Маҳдумнинг қўлёзмаларни тавсифлаш усулини ўзлаштириб, фақат унинг унсурлари, тартиби ва тузилишини бир хил шаклга келтирган деб баҳолайди [2: 210]. Шарифжон Махдум ўз даврида қўлёзма асарларнинг мазмуни, муаллифи, ёзилган йили, ёзув хусусиятлари ва бошқа жиҳатларини тизимли тавсифлаш усулини қўллаган. А.А. Семёнов эса ушбу услубни илмий талабларга мос равишда ишлаб чиқиб, каталоглаштиришдаги унсурлар, маълумотларнинг тартиби ва тузилишини ягона шаклга келтирган. Бу эса қўлёзмаларни ўрганиш, тадқиқотчилар учун қулай ва аниқ манбага айлантириш имконини берган. Ҳозирги кунда Шарифжон Махдум кутубхонасининг асосий қисми (300 га яқин китоб) ЎзР ФА ШИда, кичикроқ қисми эса, Тожикистон ФА Шарқшунослик бўлими ва ёзма мерос фондида сақланади.

Биламизки, Чор Россияси ҳукмронлиги даврида Туркистон хонликларининг кутубхоналаридан ноёб қўлёзмалар Император халқ кутубхонасига олиб кетилди. Ушбу қўлёзмалар узоқ йиллар давомида тизимли тадқиқотсиз сақланди[2]. 1870 йилда Тошкентда ташкил этилган оммавий кутубхона[3] таркибида Шарқ бўлими шакллантирилганидан сўнг, мазкур қадимий қўлёзмалардан халқ манфаати йўлида қайта фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Тошкент оммавий кутубхонаси ташкил этилганидан қарийб 20 йил ўтишига қарамай, унда атиги 87 та жилд шарқ қўлёзма китоби

[1] “Асоми ал-кутубхонаи хусусий Шарифжон Махдум” (“Шарифжон махдумнинг шахсий кутубхонаси китоблари номлари”) деб номланувчи бу феҳрист ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондида № 2460 рақам остида сақланади.

[2] XX асрнинг ўрталаригача Петербургдаги Император халқ кутубхонасига қандай келтирилган бўлса ишлов берилмай шу ҳолда қопларда, тугун ва сандиқларда сақланган. Қаранг: [1: 357]

[3] Ушбу кутубхона ўзининг 150 йилдан ортиқ фаолияти даврида Тошкент оммавий кутубхонаси (1870), Туркистон халқ кутубхонаси (1919), Ўрта Осиё давлат кутубхонаси (1925) номлари билан номланган ва 1948 йилдан эса Алишер Навоий номи билан атала бошланган. Мустақилликдан сўнг эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси деб аталган.

сақланган. Мазкур китобларнинг илк тавсифини 1889 йилда рус шарқшуноси Е. Каль амалга оширган [8]. Фақат 1917 йилдан кейин кутубхона фондини тўлдириш ишлари жадаллаша бошлади. 1933 йилда Давлат оммавий кутубхонаси Республиканинг "Шарқ қўлёзмалари марказий омбори" деб эълон қилинди. Унга Бухоро қозиси Шарифжон махдум кутубхонаси, Самарқанд илмий-тадқиқот институти, Бухоро Ибн Сино номидаги кутубхонаси, Хива хони кутубхонаси ва бошқа кутубхоналарнинг қўлёзма китоблари топширилди.

1943 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти ташкил этилиб, кутубхона томонидан сотиб олинган ёки шахсий фондлардан совға сифатида қабул қилинган барча қўлёзмалар ҳукумат фармойиши билан мазкур институт тасарруфига берилди [14: 6]. Ҳозирга қадар бу ерда сақланаётган шарқ қўлёзмалари олимлар томонидан янада тўлиқроқ ва батафсил ўрганилиб, уларга тавсифлар тузиб келинмоқда[1].

Шу билан бирга, рақамли технологиялар асри каталогларнинг электрон шаклда сақланиши ва улардан фойдаланишни осонлаштирди. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида Герда Хенкел фонди кўмагида (2008–2016) қўлёзмалар электрон каталоги яратилди, унда 13 000 дан ортиқ қўлёзма тавсифи мавжуд. Бу дастур муаллиф, асар номи, мавзуси ёки ашё рақами каби калит сўзлар воситасида манба ҳақида муайян маълумотларни аниқлашга имкон беради. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларга керакли манба, у ҳақдаги маълумотни тезкор қидириш, аниқлашда қулайлик яратади[2].

Маълумки, қўлёзмалар кўпинча ноёб ва ўзига хос таркибга эга бўлиб, улардан керакли маълумотларни излаб топиш мушкул жараён. Айниқса, замонавий қидирув тизимлари мавжуд бўлмаган даврларда бу иш янада қийинчилик туғдирган. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши

[1] Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти томонидан 1952–1987 йилларда тузилган "Шарқ қўлёзмалари тўплами" мамлакатимиздаги энг йирик каталоглардан бири бўлиб, 11 жилдда 7574 та қўлёзманинг илмий тавсифини ўз ичига олади. ("Собрание восточных рукописей ИВ АН УзССР", қисқача СВР) Бу ҳақда қаранг [13;14;15;16;17;18;19;20;21;].

[2] Мазкур дастур лойиҳаси ижроси Ўзбекистонда 2008–2016 йиллар оралиғида ЎзР ФА ШИ Шарқшунослик институтининг етакчи олими С. Ғуломов раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар томонидан амалга оширилган [25].

йилларида илмий фаолият, асосан, шўро мафкурасига йўналтирилиб, Ўзбекистон тарихини қайта яратиш ва уни давлат сиёсатига мос тарзда шакллантириш жараёни жадаллашди. Шу билан бирга, ўрта аср алломалари ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда уларнинг маданий ва ёзма меросига мурожаат этиш кўпайди [7: 291–293]. Хусусан, ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ходимларининг фаолиятини ўрганиш жараёнида шунга гувоҳ бўлдикки, айнан нодир қўлёзмаларни ўрганиш учун, анъанавий мадраса таълимини олган, форс, араб ва туркий тилларни яхши билган мутахассислар институт фаолиятига жалб қилинган [23: 30]. Мусулмон қўлёзмалари билан яхши таниш бўлган, улардан керакли маълумотларни осон топа оладиган илмий ходимларга бутун Совет Иттифоқида эҳтиёж бор эди [10: 265]. Бундай кадрларга қўлёзмалар фондининг тавсифланмаган қисмини аниқлаш ва тавсифлаш, шунингдек, 10 мингга яқин тошбосма нашрларни (китоблар ва журналлар) рўйхатга олиш, аҳолидан янги қўлёзмаларни қабул қилиш, уларни баҳолаш ва бошқа вазифалар юклатилган [3: 305]. Ана шундай вазифаларга биринчилар қаторида китобдор, библиограф Абдулла Носиров жалб этилади.

Абдулла Носиров кўп йиллар давомида юртимиз кутубхоналарида фаолият олиб борган. Аввал “Турон” (1922–1930), кейин Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонаси[1] (1940–1943), ундан кейин эса, Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтида[2] (1943–1987) ишлаган. 1940 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасининг шарқ қўлёзмалари бўлимига кутубхоначи лавозимига ишга қабул қилинган. У кутубхонадаги фаолияти давомида у Е.К. Бэтгер (1887–1956), А.А. Семёнов (1873–1958), А.И. Агеев (1902–1975), И. Одилов (1874–1943), М.А. Салье (1899–1961) каби кўплаб шарқшунос-библиографлар билан биргаликда ишлайди [23: 30]. 1943 йилда Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти ташкил этилиши билан, Навоий кутубхонасидаги шарқ бўлимига тегишли қўлёзма, босма асарлар билан бирга илмий ходимлар ҳам Шарқшунослик институтининг ихтиёрига ўтказилди. Мана шундай илмий муҳитда Абдулла Носиров “Манбалар қомуси” номли

[1] 1948 йилдан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.
[2] 1950 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, 1967 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти.

мажмуани туза бошлайди. Бу ҳақда муаллифнинг қуйидагича қайди мавжуд: *“Хизматга кирган вақтимдан бошлаб иш давримда илмий ходимлар ва айрим кишилар учун керак бўладиган тарихий, илмий, адабий, жуғрофий ва табиий маълумотларни иш устида қўлёзма, босма китоблардан, газета ва журналлардан топган маълумотларимни карточкага ёзиб жамлай бошладим. Чунки институтдаги китоблар турли сабабларга кўра қўлимдан ўтиб турар эди. Шу вақтларда кўзим тушган муҳим материаллар мени қизиқтирар эди ва ўз аҳлларига керак бўлиб қолганда фойдаланишларини орзу қилиб ёзиб борар эдим. Натижада, турли мавзуларда 15000 дан зиёда карточкалар жам бўлган экан, кўчиртириш лозим топилди”* [12: 8].

Қўлёзмалардан маълумот излаш жараёни фақатгина ном ёки феҳристга таяниш билан чекланмайди. Юқорида айтганимиздек, қўлёзма асарлардан керакли маълумотни топиш ва таҳлил қилиш кўп вақт талаб қилади. Буни осонлаштириш чорасини излаган Абдулла Носиров ўз қўлидан тавсифлаш учун ўтаётган ҳар бир қўлёзма асарни бениҳоят синчиклаб ўрганиб, қайси саҳифасида қандай материал борлиги ҳақида махсус карточкалар туза бошлайди. Улар ҳозирда ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги “Абдулла Носиров дафтарлари” деб номланувчи юз жилддан ошиқ библиографик мажмуада жамланган. Ушбу дафтарларнинг ҳар бир жилди алоҳида соҳага, у ёки бу алломанинг ҳаёти, ижодий фаолиятига бағишланган. Абдулла Носиров йиллар давомида Мусо Хоразмий (780–850), Абу Наср Форобий (873–950), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Абу Али ибн Сино (980–1037), Алишер Навоий (1441–1501), Муҳаммад Аминхўжа Муқимий (1850–1903), Зокиржон Холмуҳаммад Фурқат (1859–1909) каби аллома ва шоирлар ҳаёти, мероси, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент ва бошқа шаҳарлар тарихини ёритишга калит вазифасини ўтайдиган хазина қолдирди.

Абдулла Носиров ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг ўша даврдаги раҳбари Сабоҳат Азимджонова[1] (1923–2001) таклифига биноан 1941–1964 йиллар давомида институт фондида сақланувчи қўлёзма, босма ва даврий матбуотлардан муайян мавзулар бўйича

[1] Сабоҳат Азимджонова 1950–1976 йиллар давомида ЎзР ФА Шарқшунослик институти директори лавозимида фаолият юритган.

жамлаган материаллари асосида “Манбалар қомуси” ёки “Маълумотлар дафтари” деб номланувчи библиографик асарини яратди. Бу ўзига хос мажмуани Шарқшунослик институти фондида сақланувчи илмий, адабий, тарихий ва бошқа муҳим материалларнинг калит сўзлар бўйича алифбо тартибида тизимлаштирилган библиографик кўрсаткичлар мажмуаси сифатида баҳолаш мумкин. У араб алифбоси тартибида тузилган бўлиб, унда 15 000 дан ошиқ калит сўзлар бўйича кўрсаткичлар берилган.

Мажмуа олти жилддан иборат бўлиб, ҳар бир жилди 200 саҳифадан ошади ва улар қуйидаги тартибда тақсимланган:

- 1-жилд – алиф ҳарфини ўз ичига қамраб олади;
- 2-жилд - ب, ت, ث, ج,ح, خ ҳарфлари;
- 3-жилд - د, ذ, ر, ز, س ҳарфлари;
- 4-жилд - ش, ص, ض, ط, ظ, ع, غ, ف ҳарфлари;
- 5-жилд - ق, ك, ل, م ҳарфлари;
- 6-жилд - ن, و, ي ҳарфларидан иборат.

Калит сўзлар, яъни алифбо тартибида берилган манбаларга оид сўзларга кўрсаткичлар қуйидаги тартибда тақдим этилади:

1) асар номи;
2) инвентарь рақами;
3) саҳифаси;
4) тили каби маълумотлар билан кўрсатилган.

Мажмуа сўзбоши билан бошланиб, араб имлосидан бехабар тадқиқотчилар учун сўзбошининг машинка нусхаси ҳам китоб сўнгига қўшиб қўйилган. Қўлёзма асарлар ق (қаламий асар) ҳарфи, босма асарлар эса, با (босма асар) ҳарфи билан белгиланган. Янги ҳарф билан бошланувчи саҳифалар алоҳида қоғоз билан ажратилиб кўрсатилган. Мажмуани тузишда Шарқшунослик институтида сақланиб келаётган қўлёзма ва босма асарлар билан биргаликда, инқилобгача ва ундан кейин юртимизда чоп этилган даврий матбуот маълумотларидан ҳам фойдаланилган. Муҳим деб топилган мавзуларга газеталардан мақола ва суратлар ёпиштириб чиқилган. Масалан, “Шўро” журналига мансуб жуда кўп мавзуларнинг муҳимлари киритилган. Муаллиф бу ҳақида шундай дейди: “*Шўро” журналида бўлган 1500 дан ортиқ [мавзуларнинг] муҳимлари олинган. Журналга унчалик эҳтиёж қолмаган бўлса керак”* [11].

Абдулла Носировнинг “Манбалар қомуси” мажмуасининг тузилиши, таркиби янада тушунарли бўлиши учун унинг хусусиятларига тўхталсак. Тасаввур қилайлик биз ҳозирги кунда тарихчилар орасида урфда бўлган “жадид” ёки “жадидчилик” билан боғлиқ мавзуда тадқиқот қилмоқчимиз. Бунда биз албатта манбаларга мурожаат қиламиз. Бу жараённи осонлаштириш учун, “Манбалар қомуси” (“жим” ҳарфи) дан “жадид” сўзига алоқадор калит сўзларни қидириб кўрамиз. Мажмуа “жадидчилик” сўзига оид *жадидчилик ҳаракати, жадид адабиёти, жадид матбуоти* каби 10 дан ортиқ кўрсаткичлар берилган. Уларнинг кўпини инқилобгача ва ундан кейин чиққан газета ва журналлардаги мақолалар ҳамда қўлёзма ва босма асарларга берилган кўрсаткичлар ташкил этади. Масалан, мажмуада “жадидчилик” калит сўзига қуйидаги кўрсаткич келтирилган:

№107812– ص ، №27 .ي 1906 . وقت

[Вақт. 1906-й. №27 2-с. №10781.]

Яъни бу кўрсаткич “Вақт” газетасининг 1906 йилги 27-сонининг 2-саҳифасида “жадидчилик” сўзига алоқадор материал борлигини англатади ҳамда уни Шарқшунослик институти фондида сақланувчи №10781 рақамли манбадан топишимиз мумкин [11]. Ёки “ўзбек” калит сўзи билан боғлиқ кўрсаткичларда эса бу сўз билан боғлиқ ўзбеклар, Ўзбекхон, ўзбек театри, ўзбек адабиёти, ўзбек матбуоти ва ўзбек мақоллари элликдан ошиқ калит сўзлар мавжуд. Уларнинг 16 тасида қўлёзма асарлар, 28 таси босма асарлар ва қолганлари “Шўро”, “Қизил Ўзбекистон”, “Фарғона” каби бир қанча даврий матбуот мақолаларига ҳавола қилинган. “Ўзбеклар” калит сўзига қуйидагича кўрсаткич келтирилган:

اوزبیکلار – قا. 614، ص –211. ف. عالم آرای

[Ўзбеклар – қ. 614, 211-саҳифа, ф. Олам- и Орой]

Яъни “ўзбеклар” калит сўзига Шарқшунослик институти фондида № 614 инвентарь рақами билан сақланувчи, [ф] форс тилида битилган “Олам-и Орой” номли [қ] қўлёзма асарнинг 211-саҳифасидан маълумот топишимиз мумкин [11].

Биз мазкур мақолада фақатгина иккита кўрсаткични мисол келтириш билан чекландик, лекин қомусий бу тўпламда мингдан ошиқ қўлёзмаларда мавжуд материалларга оид калит сўзлар бор.

Даставвал, мазкур материаллар Абдулла Носиров томонидан қоралама қоғоз (карточка[1])ларга ёзиб борилган. Кейинчалик, институтнинг илмий ходимлари Усмон Каримов, Нурия Йўлдошева ва Флора Раҳмонбоевалар томонидан ушбу материаллар махсус дафтарларга кўчирилиб, муайян тартиб асосида жилдланган.

Яна шуни айтиш керакки, Абдулла Носиров то умрининг сўнги йилларигача (1987) ҳар бир ёзган дафтарига қайта-қайта мурожаат қилган ва керакли ўринларида уларни янги маълумотлар билан тўлдириб борган. Бу тўплам 1941–1964 йиллар давомида жамланиб кўчирилганига қарамай, муаллиф уни ҳам янги кўрсаткичлар билан тўлдириб борган. Буни биз А. Носиров томонидан матн орасида қолдирилган қайдлар орқали билиб олишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Абдулла Носиров томонидан яратилган “Манбалар қомуси” замонавий библиографик тадқиқотлар учун ҳам долзарб манба ҳисобланади. Бугунги кунда илмий меросни сақлаш ва тадқиқотчиларга қулай тарзда тақдим этиш учун рақамли технологиялар кенг қўлланилмоқда. Айниқса, электрон каталог тизимлари қўлёзмаларни тезкор излаш ва улардан фойдаланишни осонлаштиради.

А.Носировнинг ишлари ҳам шу жараёнга мос ҳолда рақамлаштирилиши ва электрон форматга ўтказилиши зарур. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида амалга оширилган қўлёзмалар каталогининг электронлаштирилиши бу йўналишда муҳим қадам бўлди. тадқиқотчиларга онлайн тарзда фойдаланиш имконини берди. Абдулла Носировнинг “Манбалар қомуси” мажмуаси ҳам шу тизимга интеграция қилинса, илмий изланишлар самарадорлиги сезиларли даражада ошади. Бу эса шарқшунослик соҳасида янги илмий ютуқларга эришиш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

[1] Тадқиқот давомида шунга гувоҳ бўлдикки, Носиров инсонийлик ва фидойилик тамойилларига содиқ қолган ҳолда кўплаб тадқиқотчиларга беғараз хизмат қилган. У олимларнинг изланаётган мавзуларига оид маълумотларни қўлёзмалардан излаб топиб, уларни алоҳида-алоҳида қоғозларга қайд этган. Кейинчалик ушбу маълумотларни илмий жамоатчиликка тақдим этган. Унинг фидокорона меҳнати ва инсонпарварлиги натижасида мазкур қимматли тўплам шаклланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимова Д.Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларини ўзлаштирилиши. – Тошкент, 2001.
2. Ахунджанов Э.А. История книги в Туркистане. Древность. Средние века / Э. А. Ахунджанов, отв. ред. и авт. предисл. В.Я. Рушанин. – Челябинск, 2009.
3. Бабаджанов Б. «Улама» в советском Институте востоковедения / История и историки Узбекистана в XX столетии. – Ташкент, 2014.
4. Воҳидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека (из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. – Тошкент, 2007.
5. Зиёдов Ш. XV–XX аср бошларида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (қўлёзма манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида) / Фан доктори (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2022.
6. Ибн Сина (Авиценна). Избранные философские произведения. Отв. ред. М. С. Асимов. –Москва, 1980.
7. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон. Монография / Масъул муҳаррирлар: С. Саидолимов, Ҳ. Бобожонов, К. Саъдуллаев. – Тошкент, 2024.
8. Каль Е. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской Публичной библиотеки. – Ташкент, 1889.
9. Касимова А. Библиотечное дело в Узбекистане. –Ташкент, 1963.
10. Қори-Ниёзий Т.Н. Ҳаёт мактаби (Эсдалик лавҳалари). –Тошкент, 1970.
11. Носиров А. Маълумот дафтари. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №13462. (пагинациясиз).
12. Носиров А. Носиров жамлаган материал ва манбаларнинг рўйхат дафтари. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 13498.
13. Собрание восточных рукописей “Академии наук Узбекской ССР / Под. ред. А.А. Семенова, А.Г. Вороновского. Т. 1. – Ташкент, 1952.
14. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии проф. А.А. Семенова. Т. I. –Ташкент, 1952.

15. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии проф. А.А. Семенова. Т. II. – Ташкент, 1954.
16. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии проф. А.А. Семенова. Т. III. – Ташкент, 1955.
17. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии проф. А.А. Семенова. Т. IV. – Ташкент, 1957.
18. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии проф. А.А. Семенова. Т. V. – Ташкент, 1960.
19. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии проф. А.А. Семенова, к.и.н. Д.Г. Вороновского. Т.VI.– Ташкент, 1963.
20. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии к.и.н. А.Уринбаева, к.ф.н. Л. Епифановой. Т. VII. – Ташкент, 1964.
21. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии проф. А.А. Семенова, к.и.н. Д.Г. Вороновского. Т. VIII.– Ташкент, 1967.
22. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии к.и.н. А.Уринбаева, к.ф.н. Л. Епифановой. Т. IX. – Ташкент, 1971.
23. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии к.и.н. Д.Г. Вороновского. Т. X. – Ташкент, 1975.
24. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР / Под редакцией и при участии к.и.н. А.Уринбаева. Т. XI. – Ташкент, 1987.
25. Тошев Н. По следам дворцовой библиотеки: Рукописная библиотека при Конгратах. – Вена, 2023.
26. ЎзР ФА ШИ архиви. 55-жамғарма, 2-рўйхат, 26-йиғмажилд, 30-варақ.
27. Юсупова Д. К вопросу о классификации сочинений восточных авторов для составления каталога восточных рукописей (на примере исторического содержания) // Востоковедения, (2015), № 2(2–3).
28. «Электронный каталог основного фонда рукописей ИВАН РУз», осуществленный при поддержке германского Фонда Герды Хенкель. http://scam.beruni.uz/scam/.

29. Erkinov A., and Vahidov Sh.Une source méconnue pour l'étude de la production de livres à la cour de Muhammad Rahim II (Khiva, fin XIXe s.), in: Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique,ed. Ashirbek Muminov, Francis Richard and Maria Szuppe. – Tashkent, IFEAC – Édisud: 1999.

Н. Насириллаева

Абдулла Носировнинг "Манбалар қомуси" – ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасини ўрганишда муҳим манба

Мазкур мақолада Абдулла Носиров тузган "Манбалар қомуси" тўпламининг мазмуни, унинг илмий аҳамияти, шунингдек, муаллифнинг кутубхона каталоглари билан боғлиқ библиографик фаолияти ҳар томонлама таҳлил этилган.

Абдулла Носиров XX асрда Ўзбекистон кутубхоналарида сақланган шарқ қўлёзмалари ва босма асарлар бўйича батафсил библиографик маълумотларни жамлаган. У яратган картотека тизими, айниқса, "Манбалар қомуси" номли тўплами тадқиқотчилар учун бебаҳо илмий манба саналади. Ушбу қомусда турли фанларга оид 15 000 дан ортиқ кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, қўлёзмаларни тезкор қидириш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистондаги қадимий кутубхоналар, уларнинг каталоглари ва совет даврида амалга оширилган библиографик тадқиқотлар ҳақида ҳам сўз юритилади. Шунингдек, "Манбалар қомуси"да келтирилган маълумотлар ислом оламининг илмий мероси ва ўзбек халқининг маънавий бойлигини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Носировнинг илмий меросини рақамлаштириш ва кенг оммага тақдим этиш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Бундай тадқиқотлар шарқшунослик фани учун катта аҳамиятга эга бўлиб, келгуси авлод олимлари учун ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: *Абдулла Носиров, библиография, илмий мерос, каталог, кутубхона, "Манбалар қомуси", Шарқ қўлёзмалари, электрон каталог, феҳрист, ЎзР ФА ШИ, қўлёзма.*

Н. Насириллаева

«Камус источников» Абдуллы Носирова как важный источник в изучении рукописного фонда Института востоковедения АН РУз

В данной статье всесторонне анализируются содержание сборника “Манбалар қомуси” («Камус источников»), составленного Абдуллой Носировым, его научное значение, а также библиографическая деятельность автора, связанная с библиотечными каталогами.

Абдулла Носиров в XX веке собрал подробные библиографические сведения о восточных рукописях и печатных изданиях, хранящихся в библиотеках Узбекистана. Созданная им картотечная система, в особенности сборник под названием «Камус источников», является бесценным научным источником для исследователей. В данном своде представлено более 15 000 указателей/терминов по различным областям науки, что обеспечивает возможность оперативного поиска и анализа рукописных материалов.

В статье также рассматриваются древние библиотеки Узбекистана, их каталоги и библиографические исследования, проведённые в советский период. Подчёркивается, что сведения, представленные в «Камусе источников», имеют важное значение для изучения научного наследия исламского мира и духовного богатства узбекского народа. Особо отмечается необходимость оцифровки научного наследия Носирова и его представления широкой общественности. Подобные исследования имеют большое значение для востоковедения и служат ценным источником для будущих поколений учёных.

Ключевые слова: *Абдулла Носиров, библиография, научное наследие, каталог, библиотека, «Камус источников», восточные рукописи, электронный каталог, фехрист, Институт востоковедения АН РУз, рукопись.*

N. Nasirillaeva

Abdulla Nosirov's "Compendium of Sources" as an Important Resource for the Study of the Manuscript Collection of the Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

This article provides a comprehensive analysis of the content of the collection entitled *"Compendium of Sources"* compiled by Abdulla Nosirov, its scholarly significance, as well as the author's bibliographic activities related to library catalogues.

In the twentieth century, Abdulla Nosirov compiled extensive bibliographic data on Eastern manuscripts and printed works preserved in the libraries of Uzbekistan. The card index system he developed, particularly the collection known as the *"Compendium of Sources,"* constitutes an invaluable scholarly resource for researchers. This compendium contains more than 15,000 entries across various fields of knowledge, enabling efficient search and analysis of manuscript materials.

The article also discusses ancient libraries in Uzbekistan, their catalogues, and bibliographic studies carried out during the Soviet period. It is emphasized that the data presented in the *"Compendium of Sources"* are of great importance for the study of the scientific heritage of the Islamic world and the spiritual wealth of the Uzbek people. Particular attention is paid to the necessity of digitizing Nosirov's scholarly legacy and making it accessible to a wider audience. Such studies are of considerable importance for Oriental studies and serve as a valuable resource for future generations of scholars.

Keywords: *Abdulla Nosirov, bibliography, scholarly heritage, catalogue, library, Compendium of Sources, Eastern manuscripts, electronic catalogue, fihrist, Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, manuscript.*